

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

146 Дехқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбоп дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ерга бўлган муносабатлари тубдан ўзгариб, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари сезиларли даражада кўпайиб бормоқда.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан дехқон хўжаликлари учун ажратиб берилган ер участкалари ва аҳоли томорқа ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш, аҳолининг дехқончилик маданиятини ошириш, уларни янги, серхосил, касалликларга чидамли кўчат ва уруғликлар билан таъминлаш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиш масалаларига масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Бугунги кунда дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер эгаларига минерал ўғит, уруғлик, кўчат, ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари, паррандалар ва бошқа моддий ресурсларни етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини тўлиқ шакллантириш талаб этилади.

Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаси учун ажратилган ер майдонларидан янада самарали фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмларини кескин ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси, суғурта ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган, 2017 — 2019 йилларда:

деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиш, лимон, унаби ва грек ёнғоғи етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ;

деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиш, лимон етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар ташкил этиш, унаби

ва грек ёнғоғи етиштириш юзасидан намунали туманлар бўйича прогноз кўрсаткичлари 2, 3, 4-иловаларга мувофиқ;

республиканинг тоғ ва тоғ олди, лалмикор ҳамда текислик ҳудудларида грек ёнғоғи ва унаби плантациялари ташкил этиладиган майдонлар ва талаб этиладиган кўчатлар миқдори 5, 6-иловаларга мувофиқ;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларнинг қайтмаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилиги тўғрисида низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик, идоралар раҳбарлари чора-тадбирлар дастури ва белгиланган прогноз кўрсаткичларининг ўз вақтида сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда ўз ҳудудлари бўйича 2, 3, 4, 5, 6-иловаларга мувофиқ 2017 — 2019 йиллар учун белгиланган прогноз кўрсаткичларни туманлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли хонадонлари кесимида тасдиқласинлар ва ижросини ташкил этсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларини зарур ресурслар билан таъминлаш мақсадида агрофирмалар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва зарур ҳолларда жойлардаги талабдан келиб чиқиб қўшимча агрофирмалар белгиланган тартибда ташкил этилиши мумкинлиги инobatга олинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига агрофирмаларни ташкил этишда ҳудуддаги салоҳиятли мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари, кўчат етказиб берувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари, паррандачилик ва бошқа йирик ташкилотларнинг таклифларига асосан уларнинг муассис сифатида киритиш тавсия этилсин.

4. Қуйидагилар агрофирмалар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

деҳқон хўжаликлари ва хонадон эгаларининг буюртмаларига мувофиқ лимон ўстириш учун иссиқхоналар ва парранда боқиш учун қафасларни марказлашган ҳолда қуриб бериш ва тайёр ҳолда хонадон эгаларига топшириш;

парранда боқиш истагини билдирган ҳар бир хонадон учун ёши 90 кунликдан катта бўлган 100 бош паррандаларни марказлашган ҳолда етказиб бериш;

лимон, унаби ва грек ёнғоғи кўчатларини олиб келиб экиб бериш, агротехникаси ва касалликларга қарши курашиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиш ҳамда барча зарурий моддий-техника ресурслари ва ем маҳсулотларини етказиб берувчи савдо шохобчаларини ташкил этиш;

деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкаларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, лимон, унаби, ёнғоқ ва парранда маҳсулотларини харид қилиш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш ва экспорт қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси ва суғурталовчиларнинг:

агрофирмаларга, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни мақсадли ишлатиш, ўз вақтида қайтариш бўйича масъулиятини ошириш мақсадида агрофирма муассислари ва раҳбарларининг кафиллигини олиш;

берилган кредитларнинг қайтмаслик хавфини гаров ёки кафиллик мавжуд бўлмаган тақдирда суғурта ташкилотлари томонидан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратилаётган кредит суммасининг 80 фоизидан ошмаган миқдорида суғурталаш ва суғуртага имтиёзли йиллик 1 фоиз миқдорида тўлов ставкаларини қўллаш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Бунда, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгалари суғурталовчига (умумий суғурта соҳасининг тегишли класслари бўйича лицензияга эга бўлган юридик шахс) ариза билан мурожаат қилганда суғурталовчи суғурта шартномасини тузишни асоссиз рад этишга ҳақли эмас.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкаларида иссиқхоналар қуришда 2017 йил учун зарур бўладиган плёнка маҳсулотлари сотиб олинadиган ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхатини ва полиэтилен гранулага бўлган талабни аниқлаб бир ой муддатда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига тақдим этсинлар.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси 2017 — 2019 йилларда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкаларида иссиқхоналар ташкил этиш учун талаб этиладиган плёнка маҳсулотларини арзон нархларда етказиб берилишини таъминлаш мақсадида худудларга бириктирилган плёнка ишлаб чиқарувчи корхоналарга зарур бўлган полиэтилен гранулласини ўртача биржа нархларида истисно тариқасида тўғридан-тўғри етказиб берилишини таъминласин.

7. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Муштарий-Оқдарё» масъулияти чекланган жамиятининг келгуси йилларда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларини лимон кўчатлари билан таъминлаш мақсадида тажриба тариқасида Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида 15 гектар ер майдони ажратган ҳолда энг замонавий технологияларга асосланган иссиқхона ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда худудий ўрмон хўжаликларида лимон, унаби ва грек ёнғоғининг серҳосил навларининг кўчатларини кўпайтириш мақсадида уч ой

муддатда махсус питомниклар ташкил этиш ва зарур микдорда сифатли кўчатларни мунтазам равишда етиштириш чораларини кўрсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Паррандасаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва масъул этиб белгиланган тижорат банклари билан биргаликда келгусида деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига 90 кунлик, тегишли юқумли касалликларга қарши тўлиқ эмланган паррандаларни тизимли равишда етказиб беришни таъминлаш мақсадида 8-иловага мувофиқ жўжаларни ўстиришга мўлжалланган замонавий паррандачилик комплексларини жорий йил охиригача ишга тушириш чораларини кўрсинлар.

Ушбу замонавий паррандачилик комплексларини ташкил этиш истагини билдирган ташаббускорларни бир ой муддатда аниқлаш ва қурилиш ишларини ташкиллаштириш шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тегишли тижорат банкларига:

четдан олиб келинадиган лимон, унаби ва грек ёнғоғи кўчатлари, уруғликлар ва бошқа меваларнинг янги яратилган навларининг кўчатлари, келажакда лимон, унаби ва грек ёнғоғи кўчатларини етиштириш учун замонавий «in-vitro» лабораторияси ва зарур бўладиган реактивлар, ушбу мевалар кўчатларини етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этиладиган иссиқхоналар, жўжа етиштиришга ихтисослашган паррандачилик комплекслари учун ускуналар ва насли материалларни сотиб олиш учун талаб этиладиган маблағларни ўз вақтида конвертация қилиш;

агрофирмалар ёки деҳқон хўжалиги ва аҳоли томорқа ер участкаларида иссиқхоналар ташкил этиш учун ажратилаётган кредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоизларда 5 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан ва парранда боқишни ташкил этиш учун 3 йил муддатга, 1 йиллик имтиёзли давр билан расмийлаштириб бериш;

деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участка эгаларига уч томонлама (банк, агрофирма, деҳқон хўжалиги ёки томорқа ер участка эгалари) тузилган шартномага асосан ажратиладиган кредитларни фақатгина шу ҳудудга хизмат кўрсатувчи агрофирмага ўтказиб бериш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси четдан олиб келинадиган лимон, унаби, грек ёнғоғи кўчатлари ва пайвандтагларининг ўсимлик карантини талабларига қатъий риоя этган ҳолда экилишини ҳамда кўчатзорларда синов ишларини ўрнатилган тартибда ташкил қилиб, синов натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш ишларини ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги фунда-

ментал, амалий ва инновацион давлат илмий-техника дастурларини шакллантиришда:

республиканинг тупроқ-иқлим шароитларига мос лимон, унаби ва грек ёнғоғининг серҳосил, касалликларга чидамли, экспортбоп янги навларини яратиш бўйича селекция ишларини жадаллаштириш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва амалиётга янги навларни жорий этишни назарда тутган илмий лойиҳалар белгиланган тартибда киритилишини;

республика табиий иқлим шароитига мос парранда зотларини танлаш, уларнинг махсулдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳамда паррандалар учун маҳаллий, ноананавий озуқа рецептларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилишини назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин.

13. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ:

тоғ ва тоғ олди худудларида унаби ва грек ёнғоғи кўчатларини экиш, қатор ораларига ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга мўлжалланган махсус техника ва агрегатларни ишлаб чиқаришни;

«Ўзэлтехсаноат» АК билан биргаликда икки ой муддатда деҳқон хўжаликлари ва хонадонлар учун ихчам, арзон турдаги, енгил конструкцияли иссиқхоналар ва парранда боқишга мўлжалланган қафасларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйсин.

14. «Ўздонмахсулот» АК 2017 йил охиригача ўз тизимида кирувчи ташкилотларда паррандалар ва бошқа чорва моллари учун тўла қийматли, оқсилга бойитилган омухта ем ишлаб чиқариш линияларини ташкил этсин ва хонадонларга етказиб берилишида қулайлик яратиш мақсадида турли ҳажмлардаги қопларда савдога чиқарилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали деҳқон хўжаликлари ва хонадонларда парранда боқиш, лимон, унаби, грек ёнғоғини етиштириш бўйича илғор тажрибалар ва унинг иқтисодий самараси тўғрисидаги махсус кўрсатув ҳамда эшиттиришларни мунтазам равишда ташкил этсинлар.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 март,
119-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 4 мартдаги 119-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2017 — 2019 йилларда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиш, лимон, унаби ва грек ёнғоғи етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъуллар |
|--|---|---|--|--|
| I. Ҳуқуқий базани такомиллаштириш | | | | |
| 1.1. | Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиш, лимон, унаби ва ёнғоқ етиштиришни йўлга қўйиш, уларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича алоҳида низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат | бир ой муддатда | Меҳнат вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Паррандасаноат» уюшмаси |
| 1.2. | Ёнғоқ ва унаби кўчатлари плантацияларини ташкил этиш ва агротехника тадбирларини ўтказиш бўйича намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш. | Қўлланма | бир ой муддатда | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси |
| II. Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида парранда боқишни йўлга қўйиш ва лимон, унаби, ёнғоқ етиштириш ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш | | | | |
| 2.1. | Жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, деҳқон хўжаликлари ва хонадонларни зарур ресурслар билан таъминлаш мақсадида зарур ҳолларда, жойлардаги талабдан келиб чиқиб қўшимча агрофирмалар ташкил этиш. Агрофирмалар муассисларини шакллантириш, агрофирмаларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш. | Комплекс чора-тадбирлар дастури | бир ой муддатда | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Меҳнат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| 2.2. | Агрофирмалар талабларидан келиб чиққан ҳолда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонлари учун: ихчам, арзон турдаги, энгил конструкцияли иссиқхоналар ва парранда боқишга мўлжалланган қафасларнинг лойиҳаларини тайёрлаш; иссиқхона ва парранда боқиш қафасларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва жойларга етказиб бериш. | Намунавий лойиҳа, лойиҳа-смета ҳужжатлари | 15 кун муддатда 2017 йил март ойидан бошлаб | «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Ўзэлтехсаноат» АК, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ лойиҳа-қидирув институти, «Паррандасаноат» уюшмаси, Давлат рақобат қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъуллар |
|------|---|--|---|--|
| 2.3. | Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги иссиқхоналарда лимон етиштириш ва унаби ҳамда ёнғоқ кўчатлари учун талаб этиладиган минерал ўғитларни турли ҳажмдаги қошларда етказиб берилишини таъминлаш. | Комплекс чора-тадбирлар дастури | Йил давомида | «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, Марказий банк, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |
| 2.4. | Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, республиканинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ташкил этиладиган ёнғоқ ва унаби плантацияларни талаб этиладиган лимон, унаби, ёнғоқ кўчатлари ва хонадонларни паррандалар билан босқичма-босқич таъминлаш: <u>Лимон кўчатлари бўйича:</u> 2017 йилда 3051 минг туп, 2018 йилда 6859 минг туп, 2019 йилда 6360 минг туп <u>Унаби кўчатлари бўйича:</u> 2017 йилда 2007 минг туп, 2018 йилда 4136,2 минг туп, 2019 йилда 4061,4 минг туп <u>Ёнғоқ кўчатлари бўйича:</u> 2017 йилда 2490,5 минг туп, 2018 йилда 5126,3 минг туп, 2019 йилда 5686,1 минг туп <u>Парранда бўйича:</u> 2017 йилда 13730 минг бош; 2018 йилда 28255 минг бош; 2019 йилда 26347 минг бош. | Комплекс чора-тадбирлар дастури | 2017 — 2019 йиллар давомида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Академик М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Давлат рақобат қўмитаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |
| 2.5. | Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига паррандаларни етказиб бериш ишларини мувофиқлаштириб бориш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишчи гуруҳлар тузиш. Ишчи гуруҳи томонидан парранда ўстириб берадиган хўжаликларни туманлар, маҳаллалар ва хонадонларга бириктириб чиқиш ҳамда парранда етказиб бериш | Комплекс чора-тадбирлар дастури Режа-график | 3 кун муддатда 2017 — 2019 йиллар давомида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Паррандасаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъуллар |
|---|--|---------------------------------|---------------------------|--|
| | бўйича ҳар йили алоҳида жадвалларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. | | | |
| 2.6. | Агрофирмалар томонидан деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидан олинган маҳсулотларни арзон нархларда сотишни йўлга қўйиш учун деҳқон бозорларда алоҳида савдо расталарини ташкил этиш, уларни зарурий асбоб-ускуналар (тўлов-терминаллари, музлаткичлар, тарози, идишлар ва бошқалар) билан таъминлаш. | Комплекс чора-тадбирлар дастури | 2017 йил май ойига қадар | Миллий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |
| 2.7. | Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида етиштирилган тайёр маҳсулотларни ўз вақтида ташиб кетишни ташкиллаштириш мақсадида агрофирмаларнинг талабномалари асосида «Дамас» ва «Лабо» русумли автомобилларни навбатсиз шартнома асосида ажратишини таъминлаш. | Шартнома асосида | 2017 йил I ярим йиллик | «Ўзавтосаноат» АК, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |
| 2.8. | Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида парваришланадиган паррандаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш ва парранда боқилаётган жойларни дезинфекция қилиш ишларини ўз вақтида сифатли амалга ошириш. | Комплекс чора-тадбирлар дастури | йил давомида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари |
| 2.9. | Фермер ва деҳқон хўжаликларидида, аҳоли хонадонларида лимон, унаби, ёнғоқ етиштиришни янада ривожлантириш мақсадида республикадаги қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларининг дастурларига лимон, унаби, ёнғоқ етиштириш агротехникаси ва кўчатчилиги мавзуларини киритиш. | Чора-тадбирлар дастури | бир ой муддатда | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасалари |
| III. Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида илғор тажрибаларни жорий этиш | | | | |
| 3.1. | Хонадонларда ташкил этилган энгил конструкцияли иссиқхоналарда лимон етиштиришни йўлга қўйиш бўйича Андижон вилоятида республика кўргазмали амалий семинарини ташкил этиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2017 йил март | Андижон вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Академик М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъуллар |
|------|--|---------------------------------|----------------------|---|
| 3.2. | Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида паррандаларни боқишда, иссиқхоналарда лимон етиштиришда ресурс тежамкор агротехник тадбирларини амалга ошириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашининг илмий асосланган замонавий усулларини қўллаш ва экспортбоп маҳсулот етиштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда кўргазмалар семинарлар ўтказиш. | Комплекс чора-тадбирлар дастури | 2017 йил март | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |
| 3.3. | Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли хонадонларида лимон етиштиришда илғор тажрибалар ва замонавий технологияларни жорий этиш мақсадида соҳа мутахассислари ва олимларини Туркия давлатига хизмат сафарига юбориш. | Рўйхат асосида | 2017 йил март-апрель | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси |

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 4 мартдаги 119-сон қарорига
2-ИЛОВА

146-модда

2017 йилда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиш, лимон етиштиришга мўлжалланган
иссиқхоналар ташкил этиш, унаби ва грек ёнғоғи етиштириш юзасидан намунали туманлар бўйича
ПРОГНОЗ КўРСАТКИЧЛАРИ

| Худудлар номи | Намунали туманлар номи | Жами хонадонлар сони | Шундан: | | | | | | | | |
|------------------------------|------------------------|----------------------|---|-----------------------------|---------------------------------------|-----------------|-----------------------|-----------------------------|-----------------------|-----------------------------------|-----------------------|
| | | | парранда боқишни ташкил этадиган хонадонлар | | лимон қўчатлари экиладиган хонадонлар | | | унаби экиладиган хонадонлар | | грек ёнғоғи экиладиган хонадонлар | |
| | | | сон | парранда бош сони, минг бош | сон | майдони, гектар | қўчат сони, минг дона | сон | қўчат сони, минг дона | сон | қўчат сони, минг дона |
| Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус | 6 858 | 2 777 | 278 | 6 858 | 68,6 | 69 | 3 429 | 34 | 3 429 | 34 |
| Андижон вилояти | Олтинқўл | 30 114 | 12 196 | 1 220 | 30 114 | 301,1 | 301 | 15 057 | 151 | 15 057 | 151 |
| Бухоро вилояти | Шофиркон | 36 468 | 14 770 | 1 477 | 36 468 | 364,7 | 365 | 18 234 | 182 | 18 234 | 182 |
| Жиззах вилояти | Пахтакор | 6 029 | 2 442 | 244 | 6 029 | 60,3 | 60 | 3 015 | 30 | 3 015 | 30 |
| Қашқадарё вилояти | Касби | 30 975 | 12 545 | 1 254 | 30 975 | 309,8 | 310 | 15 488 | 155 | 15 488 | 155 |
| | Шахрисабз | 36 760 | 14 888 | 1 489 | 36 760 | 367,6 | 368 | 18 380 | 184 | 18 380 | 184 |
| Навоий вилояти | Қизилтепа | 28 428 | 11 513 | 1 151 | 28 428 | 284,3 | 284 | 14 214 | 142 | 14 214 | 142 |
| Наманган вилояти | Мингбулоқ | 20 554 | 8 324 | 832 | 20 554 | 205,5 | 206 | 10 277 | 103 | 10 277 | 103 |
| Самарқанд вилояти | Оқдарё | 22 791 | 9 230 | 923 | 22 791 | 227,9 | 228 | 11 396 | 114 | 11 396 | 114 |
| Сурхондарё вилояти | Шўрчи | 28 591 | 11 579 | 1 158 | 28 591 | 285,9 | 286 | 14 296 | 143 | 14 296 | 143 |
| Сирдарё вилояти | Оқолтин | 8 519 | 3 450 | 345 | 8 519 | 85,2 | 85 | 4 260 | 43 | 4 260 | 43 |
| Тошкент вилояти | Қуйичирчиқ | 24 096 | 9 759 | 976 | 24 096 | 241,0 | 241 | 12 048 | 120 | 12 048 | 120 |
| Фарғона вилояти | Бувайда | 36 871 | 14 933 | 1 493 | 36 871 | 368,7 | 369 | 18 436 | 184 | 18 436 | 184 |
| Хоразм вилояти | Боғот | 27 382 | 11 090 | 1 109 | 27 382 | 273,8 | 274 | 13 691 | 137 | 13 691 | 137 |
| Жами: | | 344 436 | 139 497 | 13 950 | 344 436 | 3 444 | 3 444 | 172 218 | 1 722 | 172 218 | 1 722 |

— 30 —

10 (770)-сон

**2018 йилда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиш, лимон етиштиришга мўлжалланган
иссиқхоналар ташкил этиш, унаби ва грек ёнгоғи етиштириш юзасидан намунали туманлар бўйича
ПРОГНОЗ КўРСАТКИЧЛАРИ**

| Худудлар номи | Намунали туманлар номи | Жами хонадонлар сони | Шундан: | | | | | | | | |
|------------------------------|------------------------|----------------------|---|-----------------------------|---------------------------------------|-----------------|-----------------------|-----------------------------|-----------------------|-----------------------------------|-----------------------|
| | | | парранда боқишни ташкил этадиган хонадонлар | | лимон кўчатлари экиладиган хонадонлар | | | унаби экиладиган хонадонлар | | грек ёнгоғи экиладиган хонадонлар | |
| | | | sonи | парранда бош сони, минг бош | sonи | майдони, гектар | кўчат сони, минг дона | sonи | кўчат сони, минг дона | sonи | кўчат сони, минг дона |
| Қорақалпоғистон Республикаси | Қонликўл | 5 836 | 2 334 | 233 | 5 836 | 58,4 | 58 | 2 918 | 29 | 2 918 | 29 |
| | Қораўзьяк | 7 772 | 3 109 | 311 | 7 772 | 77,7 | 78 | 3 886 | 39 | 3 886 | 39 |
| Андижон вилояти | Қўрғонтепа | 39 083 | 15 633 | 1 563 | 39 083 | 390,8 | 391 | 19 542 | 195 | 19 542 | 195 |
| | Хўжабод | 22 858 | 9 143 | 914 | 22 858 | 228,6 | 229 | 11 429 | 114 | 11 429 | 114 |
| Бухоро вилояти | Пешкў | 25 541 | 10 216 | 1 022 | 25 541 | 255,4 | 255 | 12 771 | 128 | 12 771 | 128 |
| | Қорақўл | 34 400 | 13 760 | 1 376 | 34 400 | 344,0 | 344 | 17 200 | 172 | 17 200 | 172 |
| Жиззах вилояти | Мирзачўл | 5 558 | 2 223 | 222 | 5 558 | 55,6 | 56 | 2 779 | 28 | 2 779 | 28 |
| | Зафаробод | 5 776 | 2 310 | 231 | 5 776 | 57,8 | 58 | 2 888 | 29 | 2 888 | 29 |
| Қашқадарё вилояти | Ўззор | 28 400 | 11 360 | 1 136 | 28 400 | 284,0 | 284 | 14 200 | 142 | 14 200 | 142 |
| | Косон | 48 405 | 19 362 | 1 936 | 48 405 | 484,1 | 484 | 24 203 | 242 | 24 203 | 242 |
| Навоий вилояти | Навбаҳор | 21 730 | 8 692 | 869 | 21 730 | 217,3 | 217 | 10 865 | 109 | 10 865 | 109 |
| | Хатирчи | 37 786 | 15 114 | 1 511 | 37 786 | 377,9 | 378 | 18 893 | 189 | 18 893 | 189 |
| Наманган вилояти | Поп | 38 065 | 15 226 | 1 523 | 38 065 | 380,7 | 381 | 19 033 | 190 | 19 033 | 190 |
| | Чортоқ | 40 001 | 16 000 | 1 600 | 40 001 | 400,0 | 400 | 20 001 | 200 | 20 001 | 200 |
| Самарқанд вилояти | Пайариқ | 34 865 | 13 946 | 1 395 | 34 865 | 348,7 | 349 | 17 433 | 174 | 17 433 | 174 |
| | Пастдарғом | 65 258 | 26 103 | 2 610 | 65 258 | 652,6 | 653 | 32 629 | 326 | 32 629 | 326 |
| Сурхондарё вилояти | Шеробод | 33 661 | 13 464 | 1 346 | 33 661 | 336,6 | 337 | 16 831 | 168 | 16 831 | 168 |
| | Кумқўрғон | 27 443 | 10 977 | 1 098 | 27 443 | 274,4 | 274 | 13 722 | 137 | 13 722 | 137 |
| Сирдарё вилояти | Сардоба | 8 675 | 3 470 | 347 | 8 675 | 86,8 | 87 | 4 338 | 43 | 4 338 | 43 |
| | Сайхунобод | 13 755 | 5 502 | 550 | 13 755 | 137,6 | 138 | 6 878 | 69 | 6 878 | 69 |
| Тошкент вилояти | Бўка | 22 066 | 8 826 | 883 | 22 066 | 220,7 | 221 | 11 033 | 110 | 11 033 | 110 |
| | Охангарон | 20 350 | 8 140 | 814 | 20 350 | 203,5 | 204 | 10 175 | 102 | 10 175 | 102 |
| Фарғона вилояти | Қўштепа | 35 717 | 14 287 | 1 429 | 35 717 | 357,2 | 357 | 17 859 | 179 | 17 859 | 179 |
| | Ёзёвон | 20 710 | 8 284 | 828 | 20 710 | 207,1 | 207 | 10 355 | 104 | 10 355 | 104 |

| Худудлар номи | Намунали туманлар номи | Жами хонадонлар сони | Шундан: | | | | | | | | |
|----------------|------------------------|----------------------|---|-----------------------------|---------------------------------------|-----------------|-----------------------|-----------------------------|-----------------------|-----------------------------------|-----------------------|
| | | | парранда боқишни ташкил этадиган хонадонлар | | лимон кўчатлари экиладиган хонадонлар | | | унаби экиладиган хонадонлар | | грек ёнғоғи экиладиган хонадонлар | |
| | | | сони | парранда бош сони, минг бош | сони | майdonи, гектар | кўчат сони, минг дона | сони | кўчат сони, минг дона | сони | кўчат сони, минг дона |
| Хоразм вилояти | Шовот | 27 840 | 11 136 | 1 114 | 27 840 | 278,4 | 278 | 13 920 | 139 | 13 920 | 139 |
| | Янгиариқ | 20 498 | 8 199 | 820 | 20 498 | 205,0 | 205 | 10 249 | 102 | 10 249 | 102 |
| Жами: | | 692 049 | 276 820 | 27 682 | 692 049 | 6 920 | 6 920 | 346 025 | 3 460 | 346 025 | 3 460 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 4 мартдаги 119-сон қарорига
4-ИЛОВА

**2019 йилда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 бошдан парранда боқиш, лимон етиштириш ва мўлжалланган иссиқхоналар ташкил этиш, унаби ва грек ёнғоғи етиштириш юзасидан намунали туманлар бўйича
ПРОГНОЗ КўРСАТКИЧЛАРИ**

| Худудлар номи | Намунали туманлар номи | Жами хонадонлар сони | Шундан: | | | | | | | | |
|------------------------------|------------------------|----------------------|---|-----------------------------|---------------------------------------|-----------------|-----------------------|-----------------------------|-----------------------|-----------------------------------|-----------------------|
| | | | парранда боқишни ташкил этадиган хонадонлар | | лимон кўчатлари экиладиган хонадонлар | | | унаби экиладиган хонадонлар | | грек ёнғоғи экиладиган хонадонлар | |
| | | | сони | парранда бош сони, минг бош | сони | майdonи, гектар | кўчат сони, минг дона | сони | кўчат сони, минг дона | сони | кўчат сони, минг дона |
| Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир | 4 467 | 1 787 | 179 | 4 467 | 44,7 | 45 | 2 234 | 22 | 2 234 | 22 |
| | Шуманай | 7 146 | 2 858 | 286 | 7 146 | 71,5 | 71 | 3 573 | 36 | 3 573 | 36 |
| Андижон вилояти | Мархамат | 29 891 | 11 956 | 1 196 | 29 891 | 298,9 | 299 | 14 946 | 149 | 14 946 | 149 |
| | Булоқбоши | 23 742 | 9 497 | 950 | 23 742 | 237,4 | 237 | 11 871 | 119 | 11 871 | 119 |
| Бухоро вилояти | Олот | 24 065 | 9 626 | 963 | 24 065 | 240,7 | 241 | 12 033 | 120 | 12 033 | 120 |
| | Жондор | 41 375 | 16 550 | 1 655 | 41 375 | 413,8 | 414 | 20 688 | 207 | 20 688 | 207 |
| Жиззах вилояти | Зарбдор | 8 031 | 3 212 | 321 | 8 031 | 80,3 | 80 | 4 016 | 40 | 4 016 | 40 |
| | Дўстлик | 5 472 | 2 189 | 219 | 5 472 | 54,7 | 55 | 2 736 | 27 | 2 736 | 27 |
| Қашқадарё вилояти | Қамаши | 44 799 | 17 920 | 1 792 | 44 799 | 448,0 | 448 | 22 400 | 224 | 22 400 | 224 |
| | Яккабоғ | 39 483 | 15 793 | 1 579 | 39 483 | 394,8 | 395 | 19 742 | 197 | 19 742 | 197 |
| Навоний вилояти | Кармана | 27 978 | 11 191 | 1 119 | 27 978 | 279,8 | 280 | 13 989 | 140 | 13 989 | 140 |
| | Конимех | 5 170 | 2 068 | 207 | 5 170 | 51,7 | 52 | 2 585 | 26 | 2 585 | 26 |

| Худудлар номи | Намунали туманлар номи | Жами хонадонлар сони | Шундан: | | | | | | | | |
|--------------------|------------------------|----------------------|---|-----------------------------|---------------------------------------|-----------------|-----------------------|-----------------------------|-----------------------|-----------------------------------|-----------------------|
| | | | парранда боқишни ташкил этадиган хонадонлар | | лимон қўчатлари экиладиган хонадонлар | | | унаби экиладиган хонадонлар | | грек ёнгоғи экиладиган хонадонлар | |
| | | | sonи | парранда бош sonи, минг бош | sonи | майдони, гектар | қўчат sonи, минг дона | sonи | қўчат sonи, минг дона | sonи | қўчат sonи, минг дона |
| Наманган вилояти | Учқўргон | 30 515 | 12 206 | 1 221 | 30 515 | 305,2 | 305 | 15 258 | 153 | 15 258 | 153 |
| | Косонсой | 34 522 | 13 809 | 1 381 | 34 522 | 345,2 | 345 | 17 261 | 173 | 17 261 | 173 |
| Самарқанд вилояти | Пахтачи | 28 351 | 11 340 | 1 134 | 28 351 | 283,5 | 284 | 14 176 | 142 | 14 176 | 142 |
| | Иштихон | 49 042 | 19 617 | 1 962 | 49 042 | 490,4 | 490 | 24 521 | 245 | 24 521 | 245 |
| Сурхондарё вилояти | Олтинсой | 26 439 | 10 576 | 1 058 | 26 439 | 264,4 | 264 | 13 220 | 132 | 13 220 | 132 |
| | Ангор | 24 051 | 9 620 | 962 | 24 051 | 240,5 | 241 | 12 026 | 120 | 12 026 | 120 |
| Сирдарё вилояти | Гулистон | 11 759 | 4 704 | 470 | 11 759 | 117,6 | 118 | 5 880 | 59 | 5 880 | 59 |
| | Ховос | 15 789 | 6 316 | 632 | 15 789 | 157,9 | 158 | 7 895 | 79 | 7 895 | 79 |
| Тошкент вилояти | Бўстонлиқ | 30 047 | 12 019 | 1 202 | 30 047 | 300,5 | 300 | 15 024 | 150 | 15 024 | 150 |
| | Паркент | 24 143 | 9 657 | 966 | 24 143 | 241,4 | 241 | 12 072 | 121 | 12 072 | 121 |
| Фарғона вилояти | Кува | 41 193 | 16 477 | 1 648 | 41 193 | 411,9 | 412 | 20 597 | 206 | 20 597 | 206 |
| | Фарғона | 40 399 | 16 160 | 1 616 | 40 399 | 404,0 | 404 | 20 200 | 202 | 20 200 | 202 |
| Хоразм вилояти | Хива | 26 219 | 10 488 | 1 049 | 26 219 | 262,2 | 262 | 13 110 | 131 | 13 110 | 131 |
| | Хазарасп | 22 617 | 9 047 | 905 | 22 617 | 226,2 | 226 | 11 309 | 113 | 11 309 | 113 |
| Жами: | | 666 705 | 266 682 | 26 668 | 666 705 | 6 667 | 6 667 | 333 353 | 3 334 | 333 353 | 3 334 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 4 мартдаги 119-сон қарорига
5-ИЛОВА

**2017 — 2019 йилларда республиканинг тоғ ва тоғ олди, лалмикор ҳамда текислик ҳудудларида грек ёнғоғи
плантациялари ташкил этиладиган майдонлар ва талаб этиладиган кўчатлар
МИҚДОРИ**

| Худудлар номи | Намунали туманлар номи | | Шундан: | | | | | |
|---------------------------------|------------------------|---|--------------------------|--------------------|--------------------------|--------------------|--------------------------|---------------|
| | майdonи, гектар | талаб этиладиган кўчатлар сони, минг дона | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | |
| майdonи, гектар | | | кўчат сони, минг дона | майdonи, гектар | кўчат сони, минг дона | майdonи, гектар | кўчат сони, минг дона | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 100 | 15,6 | 20 | 3,1 | 30 | 4,7 | 50 | 7,8 |
| Андижон вилояти | 555 | 86,6 | 100 | 15,6 | 180 | 28,1 | 275 | 42,9 |
| Бухоро вилояти | 450 | 70,2 | 100 | 15,6 | 150 | 23,4 | 200 | 31,2 |
| Жиззах вилояти | 4350 | 678,6 | 600 | 93,6 | 1500 | 234,0 | 2250 | 351,0 |
| Қашқадарё вилояти | 3360 | 524,2 | 360 | 56,2 | 1000 | 156,0 | 2000 | 312,0 |
| Навоний вилояти | 2300 | 358,8 | 1300 | 202,8 | 500 | 78,0 | 500 | 78,0 |
| Наманган вилояти | 3010 | 469,6 | 550 | 85,8 | 1020 | 159,1 | 1440 | 224,6 |
| Самарқанд вилояти | 4850 | 756,6 | 1100 | 171,6 | 1500 | 234,0 | 2250 | 351,0 |
| Сурхондарё вилояти | 3853 | 601,1 | 353 | 55,1 | 1500 | 234,0 | 2000 | 312,0 |
| Сирдарё вилояти | 1200 | 187,2 | 300 | 46,8 | 400 | 62,4 | 500 | 78,0 |
| Тошкент вилояти | 6000 | 936,0 | 800 | 124,8 | 2000 | 312,0 | 3200 | 499,2 |
| Фарғона вилояти | 2050 | 319,8 | 300 | 46,8 | 750 | 117,0 | 1000 | 156,0 |
| Хоразм вилояти | 1050 | 163,8 | 300 | 46,8 | 350 | 54,6 | 400 | 62,4 |
| Жами: | 33128 | 5168,0 | 6183 | 964,5 | 10880 | 1697,3 | 16065 | 2506,1 |

Изоҳ: республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиладиган ёнғоқ плантациялари майдонлари ва талаб этиладиган кўчатлар сони ўзгариши мумкин.

**2017 — 2019 йилларда республиканинг тоғ ва тоғ олди, лалмикор ҳамда текислик ҳудудларида унаби
плантациялари ташкил этиладиган майдонлар ва талаб этиладиган кўчатлар
МИҚДОРИ**

| Ҳудудлар номи | Намунали туманлар номи | | Шундан: | | | | | |
|---------------------------------|------------------------|---|--------------------|--------------------------|--------------------|--------------------------|--------------------|--------------------------|
| | | | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | |
| | майдони, гектар | талаб этиладиган кўчатлар сони, минг дона | майдони, гектар | кўчат сони, минг дона | майдони, гектар | кўчат сони, минг дона | майдони, гектар | кўчат сони, минг дона |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 500 | 130,0 | 150 | 39,0 | 150 | 39,0 | 200 | 52,0 |
| Андижон вилояти | 400 | 104,0 | 100 | 26,0 | 150 | 39,0 | 150 | 39,0 |
| Бухоро вилояти | 700 | 182,0 | 150 | 39,0 | 250 | 65,0 | 300 | 78,0 |
| Жиззах вилояти | 600 | 156,0 | 150 | 39,0 | 200 | 52,0 | 250 | 65,0 |
| Қашқадарё вилояти | 600 | 156,0 | 150 | 39,0 | 200 | 52,0 | 250 | 65,0 |
| Навоий вилояти | 420 | 109,2 | 100 | 26,0 | 150 | 39,0 | 170 | 44,2 |
| Наманган вилояти | 700 | 182,0 | 150 | 39,0 | 250 | 65,0 | 300 | 78,0 |
| Самарқанд вилояти | 800 | 208,0 | 200 | 52,0 | 250 | 65,0 | 350 | 91,0 |
| Сурхондарё вилояти | 750 | 195,0 | 200 | 52,0 | 250 | 65,0 | 300 | 78,0 |
| Сирдарё вилояти | 600 | 156,0 | 150 | 39,0 | 200 | 52,0 | 250 | 65,0 |
| Тошкент вилояти | 540 | 140,4 | 100 | 26,0 | 170 | 44,2 | 270 | 70,2 |
| Фарғона вилояти | 650 | 169,0 | 100 | 26,0 | 250 | 65,0 | 300 | 78,0 |
| Хоразм вилояти | 700 | 182,0 | 150 | 39,0 | 250 | 65,0 | 300 | 78,0 |
| Жами: | 7960 | 2069,6 | 1850 | 481,0 | 2720 | 707,2 | 3390 | 881,4 |

Изоҳ: республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиладиган унаби плантациялари майдонлари ва талаб этиладиган кўчатлар сони ўзгариши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 4 мартдаги 119-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига
ажратиладиган кредитларнинг қайтмаслик хавфини суғурта
қилиш бўйича суғурта шерикчилиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунларига ва суғурта фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилиги фаолиятини белгилайди.

2. Мазкур Низом умумий суғурта қилиш тармоғида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган барча суғурта ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низом асосида дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида суғурталовчилар томонидан юридик шахс мақомига эга бўлмаган суғурталовчиларнинг касбий бирлашмаси суғурта шерикчилиги (кейинги ўринларда — суғурта шерикчилиги деб юритилади) тузилади.

4. Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилигини таъсис этиш мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лидер — суғурта қилдирувчи билан суғурта шартномасини имзолловчи суғурта шерикчилиги иштирокчиларидан бири;

суғурта шерикчилиги шартномаси — суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасидаги биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома;

суғурта шартномаси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига лимон етиштириш учун иссиқхоналар ташкил этиш, унаби, грек ёнғоғи ва паррандачилик маҳсулотларини етиштириш мақсадида ажратилган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш шартномаси;

ўзаро ҳисоб-китоб далолатномаси — суғурта мукофотлари ва суғурта тўловлари бўйича суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасида ҳисоб-китобни белгиловчи ҳужжат.

**2-боб. Суғурта шерикчилиги иштирокчиларининг
ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6. Суғурта шерикчилиги иштирокчилари қўйидаги ҳуқуқларга эга:
суғурта шартномасини тузишга асос бўлувчи тегишли хужжатларни талаб этиш;

суғурта шерикчилиги кузатув кенгашида вакил сифатида иштирок этиш;
кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни таклиф этиш;
кузатув кенгаши йиғилиши кун тартибига тегишли масалаларни кири-тиш ва ташаббуслар билан чиқиш.

7. Суғурта шерикчилиги иштирокчилари қўйидагиларга мажбур:
ушбу Низом, суғурта шерикчилиги шартномаси ва кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни бажариш;

суғурта шартномаларини қонунчилик талаблари асосида расмийлашти-риш;

суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

суғурта шерикчилигининг бошқа иштирокчилари томонидан мазкур Низом асосида тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз улушига тўғри келадиган жавобгарликни қабул қилиш;

суғурта даъволари бўйича суғурта тўловларини ўз улуши доирасида амалга ошириш.

8. Суғурта шерикчилиги томонидан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини су-ғурта қилишдан бошқа суғурта турлари бўйича хавфлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

Бунда суғурта шерикчилиги иштирокчилари деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилишдан бошқа суғурта турлари бўйича суғурта шерикчи-лигини тузиш тўғрисида алоҳида шартномалар тузишга ҳақли.

3-боб. Суғурта шерикчилиги бошқаруви

9. Суғурта шерикчилиги фаолиятига умумий раҳбарликни суғурта ше-рикчилиги иштирокчиларининг биринчи раҳбарларидан ташкил топган 9 ки-шидан иборат таркибдаги кузатув кенгаши амалга оширади.

10. Кузатув кенгаши, агар мажлисда унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарор қабул қилишга ҳақлидир. Агар ҳозир бўлган-ларнинг камида учдан икки қисми кузатув кенгаши қарори учун овоз бер-са кузатув кенгаши қарори қабул қилинган ҳисобланади.

11. Кузатув кенгашининг ваколатлар доираси қўйидагилардан иборат:

кузатув кенгаши раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш;

ижрочи органни тайинлаш;

ижрочи органнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

ижрочи органни тафтиш қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

12. Суғурта шерикчилигининг жорий фаолияти кузатув кенгаши томонидан тайинланган ижро этувчи орган сифатида қатнашувчи суғурта шерикчилиги иштирокчиларининг бири ёки бошқа ташкилот томонидан амалга оширилади.

Ижро этувчи орган суғурта шерикчилиги иштирокчиларининг ҳар бири билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ фаолият юритади.

13. Ижро этувчи орган қуйидагиларни амалга оширади:

суғурта мукофотлари ва суғурта тўловлари бўйича суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасидаги ҳисоб-китоб далолатномасини тайёрлаш;

суғурта шерикчилиги иштирокчилари томонидан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилишни амалга оширишда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш, шу жумладан, мазкур суғурта шартномалари ва суғурта ҳодисалари, суғурта қилдирувчи ва наф олувчилар тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган маълумотлар ахборот базасини шакллантириш;

суғурта шерикчилиги иштирокчиларига деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилишни амалга ошириш соҳасида маслаҳат хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа функция ва фаолиятни амалга ошириш.

4-боб. Суғурта шартномасини тузиш тартиби

14. Ушбу Низом бўйича суғурта қилиш суғурта шерикчилиги иштирокчилари томонидан келишилган ягона намунадаги суғурта шартномаси асосида амалга оширилади.

15. Лидер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш шартномасини тузади ҳамда суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қилдирувчи ва наф олувчи олдида ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Суғурта қилдирувчи/наф олувчи лидердан барча суғурта шерикчилиги иштирокчиларининг рўйхатини ва улар томонидан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича қабул қилинган мажбуриятлар ҳажми тўғрисидаги маълумотни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда лидер ана шундай маълумотни суғурта қилдирувчи/наф олувчидан тегишли ёзма ариза олинган кундан бошлаб икки иш кuni мобайнида тақдим этиши шарт.

16. Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича мажбуриятлар ҳажми кузатув кенгаши томонидан тақсимланади. Бунда ҳар

бир суғурта шерикчилиги иштирокчиси деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича мажбуриятлар ҳажми тақсимлангандан сўнг қолган мажбуриятларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олади.

17. Бирон-бир суғурта шерикчилиги иштирокчиси томонидан суғурта товонининг ўзига тегишли улушини белгиланган муддатларда тўланиши имкони бўлмаган тақдирда, суғурта товонининг ушбу қисми қолган суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасида уларнинг ҳар бири олган мажбуриятларига мутаносиб равишда тақсимланади ва улар томонидан кейинчалик суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятни бажармаган суғурта шерикчилиги иштирокчисидан ундириб олинган ҳолда тўланади.

5-боб. Яқуний қоидалар

18. Суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

20. Суғурта шерикчилиги шартномаси суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасида ҳисоб-китоб тартиби, ҳужжатлар алмашинуви, жавобгарлик лимитлари, суғурта шерикчилиги иштирокчилари улушлари ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа қоидаларни белгилайди.

21. Ушбу Низомда кўрсатилмаган масалалар суғурта шерикчилиги шартномаси ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилиги тўғрисида низомга
ИЛОВА

**Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилигини таъсис этиш
СХЕМАСИ**

| Босқич-лар | Тадбирлар номи | Муддат | Масъуллар |
|------------|---|---|---|
| I | Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилиги иштирокчиларини аниқлаш | Қарор қабул қилингандан кейин 5 кун мобайнида | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назорати давлат инспекцияси, Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси |
| II | Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаси эгаларига ажратиладиган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта шерикчилиги иштирокчилари Кузатув кенгашининг биринчи таъсис мажлисини чақириш | Қарор қабул қилингандан кейин 10 кун мобайнида | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назорати давлат инспекцияси, Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси |
| III | Суғурта шерикчилиги Кузатув кенгаши раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш | Қарор қабул қилингандан кейин 10 кун мобайнида | Суғурта шерикчилигининг Кузатув кенгаши |
| IV | Суғурта шерикчилигининг жорий фаолиятини амалга оширувчи ижро этувчи органни тайинлаш | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари Кузатув кенгашининг биринчи таъсис мажлиси ўтказилгандан кейин 10 кун мобайнида | Суғурта шерикчилигининг Кузатув кенгаши |
| V | Суғурта шерикчилиги ижро этувчи органи томонидан суғурта шерикчилиги иштирокчиларининг ҳар бири билан тегишли шартномалар имзолаш | Ижро этувчи орган тайинлангандан кейин 5 кун мобайнида | Суғурта шерикчилигининг ижро этувчи органи |
| VI | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасидаги биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома матнини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари Кузатув кенгашининг биринчи таъсис мажлиси ўтказилгандан кейин 15 кун мобайнида | Суғурта шерикчилиги, Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси, суғурта компаниялари |

| Босқичлар | Тадбирлар номи | Муддат | Масъуллар |
|-----------|---|---|---|
| VII | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида қўшимча равишда паррандачилик ва лимон маҳсулотларини етиштириш ва иссиқхоналар ташкил этиш учун ажратилаётган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта қилиш шартномасининг ягона намунасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари Кузатув кенгашининг биринчи таъсис мажлиси ўтказилгандан кейин 15 кун мобайнида | Суғурта шерикчилиги, Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси, суғурта компаниялари |
| VIII | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари томонидан деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида қўшимча равишда паррандачилик маҳсулотлари, лимон, унаби, грек ёнғоғи етиштириш ва иссиқхоналар ташкил этиш учун ажратилаётган кредитларни қайтмаслик хавфини суғурта-талаш | Суғурта қилиш шартномасининг ягона намунасини амалиётга жорий этишдан бошлаб | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари |
| IX | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш | Ҳар чоракдан сўнг кейинги ойнинг 10-санасигача | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари |
| X | Суғурта даъволари бўйича суғурта тўловларини ўз улуши доирасида амалга ошириш | Ҳисоб-китоблар тақдим этилгандан кейин 5 кун мобайнида | Суғурта шерикчилиги иштирокчилари |

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 4 мартдаги 119-сон қарорига
8-ИЛОВА

Дехқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига 90 кунлик жўжаларни ўстиришга мўлжалланган замонавий
паррандачилик комплексларни ташкил этиш
ТОПШИРИҒИ

| Худудлар | Ташкил этиладиган паррандачилик комплекс сони | Жўжа ўстириш цехлари | | | Масъул тижорат банкларнинг номи | Талаб этиладиган маблағ (млн сўм) | | |
|------------------------------|---|----------------------|--------------------|---------------|---------------------------------|-----------------------------------|---------------|------------------|
| | | соғи | қуввати (минг бош) | | | жами | шундан: | |
| | | | бир марталик | йиллик | | | ўз маблағи | кредит ҳисобидан |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1 | 4 | 160 | 640 | «Асака банк» | 5 200 | 1 560 | 3 640 |
| Андижон вилояти | 1 | 3 | 120 | 480 | «Халқ банки» | 4 200 | 1 260 | 2 940 |
| Бухоро вилояти | 1 | 6 | 240 | 960 | «Саноатқурилишбанк» | 4 800 | 1 440 | 3 360 |
| Жиззах вилояти | 1 | 2 | 80 | 320 | «Асака банк» | 2 400 | 720 | 1 680 |
| Қашқадарё вилояти | 1 | 3 | 120 | 480 | «Агробанк» | 4 000 | 1 200 | 2 800 |
| Навоний вилояти | 1 | 2 | 80 | 240 | «Турон-банк» | 2 400 | 720 | 1 680 |
| Наманган вилояти | 1 | 9 | 450 | 1 800 | «Агробанк» | 10 500 | 3 150 | 7 350 |
| Самарқанд вилояти | 1 | 21 | 1 250 | 5 000 | «Микрокредитбанк» | 10 500 | 3 150 | 7 350 |
| Сурхондарё вилояти | 1 | 9 | 450 | 1 800 | «Миллий банк» | 10 500 | 3 150 | 7 350 |
| Сирдарё вилояти | 1 | 2 | 100 | 300 | «Саноатқурилишбанк» | 3 800 | 1 140 | 2 660 |
| Тошкент вилояти | 1 | 4 | 160 | 480 | «Алоқабанк» | 5 000 | 1 500 | 3 500 |
| Фарғона вилояти | 1 | 11 | 550 | 1 650 | «Ўзмилийбанк» | 13 000 | 3 900 | 9 100 |
| Жами: | 12 | 76 | 3 760 | 14 150 | | 76 300 | 22 890 | 53 410 |